

## ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

**Бобобеков Зоҳиджон Анарбаевич**

Давлат активларини бошқариш агентлигининг  
Давлат активларининг ҳисобини юритиш бошқарма бошлиғи,  
Тошкент, Ўзбекистон  
Email: [Z.Bobobekov@davaktiv.uz](mailto:Z.Bobobekov@davaktiv.uz)

## ADDITIONAL MEASURES TO ACCELERATE PRIVATIZATION PROCESSES

**Bobobekov Zokhidjon Anarbaevich**

Head of the Department for Accounting of State Assets,  
Agency for State Assets Management,  
Tashkent, Uzbekistan  
Email: [Z.Bobobekov@davaktiv.uz](mailto:Z.Bobobekov@davaktiv.uz)

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистонда хусусийлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохатлар натижасида мулкдорлар синфининг барқарор ортиши ва маҳаллий бюджет даромадларининг ошиши билан биргаликда хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштиришда юзага келаятган мураккаблиklar ва уларни соддалаштириш масалалари келтириб ўтилган.

Хусусийлаштириш жараёнлари 1992 йилдан бошланган бўлиб, ўтган давр мобайнида ушбу соҳада бир қанча ислохатлар амалга оширилган. Хусусан, охирги 10 йилликдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига хусусийлаштириш соҳасида ҳам бир қанча энгилликлар бериб келинмоқда.

Айрим ислохатлар замон талаби ўзгариши билан уларни ҳам соддалаштириш бугунги давр талаби бўлмоқда.

Давлат активларини сотиб олишда харидор томонидан бир ой муддатда сотилган қийматнинг дастлабки 35 фоизини тўлаши, давлат

кўчмас мулк объектлари учун тўловларни тўламагунга қадар объектларни реконструкция қилиш (бузиб янгисини қуриш) мумкин эмаслиги, хусусийлаштириш жараёни бошланган давлат иштирокидаги корхонада уни сотиб олгандан сўнг унинг соф фойдасини корхона ихтиёрида қолдириш каби нормаларнинг мавжуд эмаслиги хусусийлаштириш жараёнларининг жадаллаштиришига ҳамда тадбиркорлик субъектларининг янада ривожланишига тўсқин қилмоқда.

Давлат активларини хусусийлаштиришдан мақсад уларни фақат қимматроқ сотиш ва бюджетга кўпроқ пул тушириш эмас, балки харидорлар томонидан улардан самарали фойдаланиш бўлиши керак.

Бунинг учун харидорлар томонидан давлат активларини сотиб олиш билан биргаликда, уларнинг қўшимча айланма маблағлари ҳам уларнинг ихтиёрида қолиши ёки тадбиркорларга объектда ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни бошлаш учун уларга объектдан фойдаланиш имкониятларини

яратиб бериш тадбиркорларни  
моддий  
қўллаб-қувватлаш омили сифатида  
баҳоланади.

Давлат объектларидан тезроқ  
фойдаланишни бошлаши ҳам давлат учун  
ҳам тадбиркорлар учун фойдали бўлиши  
яъни, қўшимча қиймат яратилиши, янги  
ишчи ўринлари ва солиқлар тушими билан  
биргаликда тадбиркорларнинг фойдаси  
ортиши лозим.

Шулардан келиб чиққан ҳолда,  
давлат активларини сотиб олишида  
енгилликлар бериш, сотиб олинган давлат  
кўчмас мулк объектларида тезроқ ишлаб  
чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни бошлашида  
афзалликлар бериш, давлат  
иштирокидаги корхоналарни  
хусусийлаштиришида уларни  
жозибадорлигини ошириш таклиф  
этилган.

Шунингдек, ушбу мақолада  
хусусийлаштириш жараёнларининг  
қонуний асослари, охириги 5 йилликда  
амалга оширилган ишлар ва бугунги кун  
ҳолати, статистикалари келтирилган.

**Abstract.** This article examines the  
consistent growth of the property-owning  
class and the rise in local budget revenues  
resulting from ongoing privatization reforms  
in Uzbekistan. Simultaneously, it highlights  
the emerging complexities in accelerating  
these processes and addresses necessary  
measures for their simplification.

Privatization in Uzbekistan began in  
1992, with numerous reforms implemented  
since then. Over the last decade, specifically,  
several incentives have been introduced to  
support business entities within the  
privatization framework.

However, as times change, some of  
these reforms now require further  
simplification to meet modern economic  
demands.

The study identifies that the lack of  
specific legal norms—such as those  
addressing the requirement for buyers to pay  
an initial 35% of the purchase price within a  
single month, the restriction on  
reconstructing or redeveloping state-owned  
real estate until full payment is made, and the  
inability of enterprises with state  
participation to retain net profits for  
reinvestment once privatization begins—acts  
as a barrier. These gaps hinder the  
acceleration of privatization and the overall  
development of business entities.

The ultimate goal of privatizing state  
assets should not merely be to sell them at the  
highest price or maximize immediate budget  
revenue. Instead, the priority must be  
ensuring that buyers can utilize these assets  
effectively and productively.

To achieve this, it is essential that  
buyers retain sufficient working capital  
during the acquisition process. Alternatively,  
entrepreneurs should be given the  
opportunity to utilize the property to launch  
production or services immediately. Such  
measures should be viewed as a vital form of  
material support for the business community.

The sooner state assets are put into  
operation, the more beneficial it is for both  
the state and the entrepreneur. Rapid  
utilization leads to value creation, job  
growth, increased tax revenue, and higher  
corporate profits.

Based on these findings, this article  
proposes providing incentives for the  
purchase of state assets, granting  
preferences for the rapid launch of  
production at acquired sites, and enhancing  
the overall attractiveness of enterprises with  
state shares during the privatization process.

Additionally, the article outlines the  
legal foundations of privatization, reviews  
the work conducted over the last five years,

and provides current situational analysis and statistics.

**Калим сўзлар:** Иқтисодиёт, рақобат, давлат активлари, ер участкалари, хусусийлаштириш, бошланғич нархи, аукцион, талабгор, харидор.

**Keywords:** Economy, competition, state assets, land plots, privatization, starting price, auction, bidder, buyer

**Кириш.** Иқтисодиёт тармоқларида трансформация жараёнларини ва давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш орқали инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ҳар йили “сот ёки тушунтир” тамойили асосида давлат ва давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти таҳлили қилиниб, фаолиятсизларини тугатиш, рақобат ривожланган соҳалардаги давлат муассасаларни сотиш, шунингдек, корхоналарга тегишли бўш турган ва носоҳавий кўчмас мулк объектлари хатловдан ўтказилиб, уларни хусусийлаштириш бўйича дастурлар тайёрланиб тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар йили хусусийлаштириш дастурлари ишлаб чиқиб тасдиқлаш амалиётга кирди.

Хусусан, охириги **5 йил** давомида **10 га** яқин давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини содаллаштириш бўйича **Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари қабул қилинди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид

чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида” 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6167-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини содаллаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 24 июлдаги ПҚ-5197-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-162-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида” 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-70-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни халқаро

**бозорларда хусусийлаштириш тўғрисида”** 2025 йил 21 апрелдаги ПҚ-145-сон қарори.


**Материал ва метод.** 2017 йилдан бошлаб иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш, хусусий мулкнинг устувор ролини ошириш ва уни ишончли ҳимоя қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди.

Жумладан, фуқаро авиацияси, энергетика тармоғида, кон-металлургия ва электротехника саноатида, йўл қурилиш соҳасида, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

2022 йилдан бошлаб эса ҳудуди **10 000 метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган маблағлар**, баҳолаш ва сотиш харажатлари ҳамда Хусусийлаштириш жамғармаси тасарруфига ўтказиладиган қисми чегирилган ҳолда **Қорақалпоғистон Республикасининг бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ҳамда объект жойлашган туман (шаҳар) бюджетларига тенг улушларда тақсимланиши** белгиланди<sup>1</sup>.

2025 йилда тегишли хусусийлаштириш дастурларига асосан бошланғич қиймати **41,0 трлн сўмлик** активлар ва ер участкалари савдоларга чиқарилиб, **29,8 трлн сўмлик** активлар ва ер участкалари хусусийлаштирилган ва хусусийлаштириш жамғармасига **11,0 трлн сўм** тушум таъминланган.

**Давлат активларини хусусийлаштириш ва улардан тушумлар (трлн сўм)**



<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни

жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сон қарорининг 5-илоvasи.


Сотилган активларининг **711 тасига** бошланғич нархи **1,9 трлн сўмга** нисбатан нарх пасайтириш механизми қўлланилган ҳолда **1,2 трлн сўмга** сотилган.

Шунингдек, мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахслар учун тарихий имконият яратилди ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришга рухсат берилди ва бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига

мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди (ЎРҚ-728, 15.11.2021 йил).

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун **7 513,1 гектар (35 337 та)** қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари ижара ва мулк ҳуқуқида **4 777 млрд сўм** нарх билан аукцион савдоларига чиқарилиб, шундан **3 806 гектар (23422 та)** ер участкалари **5 145 млрд сўмга (368 млрд сўм кимматрок)** реализация қилинди<sup>2</sup>.

### Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари аукцион савдоларига чиқариш ҳолати (трлн сўм)



2026 йил 1 апрель ҳолатига “E-auksion” электрон савдо платформасида **24,3 трлн сўмлик 111 592 та** мулклар савдоси давом этмоқда<sup>3</sup>.

**Натижалар.** Иқтисодиёт тармоқларида трансформация жараёнларини ва давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш орқали инвестицияларни кенг жалб этиш учун

хусусийлаштиришда қўшимча имтиёзлар талаб қилмоқда.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида давлат активларини хусусийлаштириш соҳасини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сон қарори 9-бандига асосан давлат активлари бўлиб-бўлиб тўлаш шарти

<sup>2</sup> [https://api-portal.gov.uz/uploads/62/2026/03/03/a91a99da-3580-9c19-71f5-a5052cab4b6e\\_media\\_36233.pdf](https://api-portal.gov.uz/uploads/62/2026/03/03/a91a99da-3580-9c19-71f5-a5052cab4b6e_media_36233.pdf)

<sup>3</sup> “E-auksion” электрон савдо платформаси фаолияти натижалари тўғрисида маълумоти

билан сотилганда **дастлабки тўлов** суммаси **35 фоиздан кам** бўлган ҳолатларда, қолган суммага Марказий банкнинг **асосий ставкаси миқдорида йиллик фоизлар** ҳисобланиши, бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустаснолиги белгиланган.

Мазкур тартиб билан харидорлар томонидан сотиб олинган давлат активлари учун 35 фоиздан кам бўлмаган дастлабки тўловни амалга оширилади.

Қайд этиш лозимки, давлат активларини сотиб олмоқчи бўлган талабгорлар томонидан аввало активлар қийматининг камида 35 фоиз миқдорида айланма маблағга эга бўлиши ёки шу миқдорда пул жамғариши лозим бўлади.

Бу ўз навбатида фақат қўшича маблағи борлар аукцион савдоларда қатнашиш мумкинлигини аниқлаши билан бир қаторда, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга ўз таъсирини ўтказиши ёки давлат активларини сотиб олган инвесторларга айланма маблағларининг қисқаришига олиб келиши мумкин.

Содда қилиб айтилганда, сотиб олинган давлат активлари учун 35 фоиздан кам бўлмаган ҳолда дастлабки тўловни амалга оширилиши савдода турган давлат активларининг жозибдорлигига таъсирини ўтказмай қолмайди.

Ушбу 35 фоиз дастлабки тўловнинг туширилиши давлат активларининг сотилишини жадаллаштирилишига ҳам хизмат қилиши мумкин.

Яна бир масала, давлат иштирокидаги корхоналарни бизнес шаклида баҳоланишини ҳисобга олган

ҳолда, давлат улушини сотиб олган вақтидаги йил учун ҳам дивиденд маблағларини харидорда қолдириш масаласи ҳам давлат активларининг хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилади.

2023 йилда қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш стандарти** (рўйхат рақами 3487, 2023 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилган) баҳолаш фаолиятини норматив жиҳатдан тартибга солинишини ҳамда баҳолаш тартиби ва баҳолаш экспертизасига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Мазкур стандартга асосан давлат активлари мустақил баҳоловчилар томонидан баҳоланади.

Ушбу стандарт кўра баҳолашнинг қийсий, даромад ва харажат ёндашувларидан иборат бўлиб, **даромад ёндашуви** — бу баҳолаш объектдан келажакда **фойдаланишдан қутилаётган даромадни аниқлаш** асосида баҳолаш объекти қийматини баҳолаш усуллари тўплами ҳисобланади<sup>4</sup>.

Яъни, даромад ёндашувини қўллашда активнинг қиймати **активдан келадиган даромадлар**, пул оқимлари ёки тежаладиган харажатларнинг жорий (келтирилган) қиймати билан белгиланади.

Шунга кўра, давлат иштирокидаги корхоналарнинг **давлат улуши баҳоланаётганда** уларнинг активларидан **келгусида** муайян вақт давомида **даромад олиш имкониятлари**, хусусан келгусидаги **соф фойдалари**, ҳали даромад келтира бошламаган, аммо прогнозларга кўра, келгусида **даромад келтирадиган активлари**, реал ёки

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш стандартининг (рўйхат рақами 3487, 28.12.2023 йил) 125 ва 153-бандлари

номинал пул оқимлари ҳам ҳисобга олинади.

Шунингдек, бугунги кунда давлат активларини **сотиб олиш** учун харидорларга

**10 йилгача** муддатлар берилиши ҳисобига имтиёзлар берилмоқда.

Хусусан, сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш йўналишида:

а) давлат кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари учун сотиб олиш тўловларини савдолар ўтказилган санадаги белгиланган **базавий ҳисоблаш миқдори баравари миқдорида** ҳисобланадиган сотиб олиш тўловлари (БХМнинг 3 000 бараваридан бошлаб, 20 000 бараваридан юқори) миқдоридан келиб чиққан ҳолда **3 йилгача** бўлган муддатда **бўлиб-бўлиб тўлаш** имконияти берилади;

б) 2027 йил 1 январга қадар **Қорақалпоғистон Республикаси** ҳудудида жойлашган:

аукцион савдоларида сотилган давлат кўчмас мулк объектларининг сотиб олиш **нархидан қатъи назар** барча харидорларга харид тўловларини **7 йил муддатда** бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;

туман ҳокимликлари балансидаги бўш турган кўчмас мулк объектларини **хусусий мактабгача таълим ташкилоти ташкил этиш** учун давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларига берилган, 3 йилдан сўнг хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзолаш пайтида баҳоланган қийматнинг 50 фоизи миқдорида ҳақ тўлаш ҳисобига **5 йил давомида** тўлаш шarti билан хусусийлаштириш имкони берилади;

в) **Хоразм вилоятида** жойлашган хусусийлаштирилаётган давлат мулки бўйича тўловларни, уларнинг

**миқдоридан қатъи назар, 5 йил ичида** тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;

г) **меҳмонхона ва туризм хизматларини** кўрсатиш бўйича давлат мулкани савдога чиқаришда харид тўловлари миқдоридан қатъи назар уларни **5 йилгача** бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;

д) “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастурида иштирок этаётганлигини тасдиқловчи **сертификатга эга бўлган** тадбиркорлик субъектлари аукционда давлат кўчмас мулк объектларини сотиб олганда тадбиркорлик субъектлари (Дастурга киритилган Тошкент шаҳридан рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно) томонидан яратиладиган янги иш ўринлари сонига қараб **3 йилдан 5 йилгача** тўловларни фоизсиз тўлаш имконияти берилади;

е) ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чикиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг **4- ва 5-тоифадаги:**

**туман ва шаҳарларида** давлат активлари (ер участкалари бундан мустасно) бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилганда, дастлабки тўлов суммаси 35 фоиздан кам бўлган ҳолатларда қолган суммага сотиб олиш тўловидан қатъи назар **60 ой давомида** тенг улушларда тўловларни амалга ошириш имконияти берилади;

туманларида фаолият юритаётган “АА” ва **ундан юқори тоифадаги** тадбиркорлик субъектларига давлат мулкани сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш муддати, сотиб олиш тўловлари миқдоридан қатъи назар, **7 йил ичида** тенг улушларда тўлаш имконияти берилади;

ж) **электротехника соҳасида** инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун электротехника саноати корхоналари томонидан оммавий савдолар орқали сотиб олинган давлат кўчмас мулк объектлари бўйича тўловларни **10 йилгача муддатда** бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;

з) **автотранспорт воситаларини сақлаш ва техник хизмат кўрсатиш** учун мўлжалланган давлат мулки объектлари (автокорхоналар) (шаҳар марказида жойлашганлари бундан мустасно) ўз профилини сақлаб қолган ҳолда объектларни савдога чиқаришда харид тўловларини уларнинг миқдоридан қатъи назар, **5 йилгача** бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилади;

и) **тиббиёт ва таълим ташкилотини ташкил этиш** учун аукцион савдоларида сотилган давлат кўчмас мулк объектларининг сотиб олиш нархидан қатъи назар барча харидорларга харид тўловларини **5 йил муддатда** бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади<sup>5</sup>.

Шу ўринда, харидорлар томонидан сотиб олинган давлат активлари учун тўловлар тўлиқ тўлангандан сўнг уларга мулк ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери берилади. Бунда, харидор томонидан мулк ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери берилгунга қадар сотиб олинган бино ва иншоотларни бузиш орқали янгисини қуриш ва реконструкция қилиш таъқиқланади.

Хар бир инвесторнинг кўчмас мулк объектларини олишидан асосий мақсади уни ишлатиш ва ундан фойда олиш бўлади. Бироқ, ўша фойда олишгача бўлган муддатда бинони бизнес режасига мос равишда реконструкция қилиши ёки бузиб ташаб ўрнида замонавий бинолар

қуриши каби чекловларнинг мавжудлиги тадбиркорларнинг фаолиятини кенгайтиришига қайсидир маънода тўсқинлик қилмоқда.

Шундай бинолар борки, бинонинг баландлиги паст бўлади ёки умумий ер майдонининг ўртасида бино қурилган бўлиб, атрофидаги ер майдонида қўшимча қурилишлар қуриб бўлмайди. Шунинг учун биноларни мослаштирмасдан туриб ишлаб чиқаришни ташкил этиб бўлмайди.

Шу билан бирга, давлат кўчмас мулк объектларини маълум муддатгача тўлаш шarti билан олган инвесторларга бинони реконструкция қилиш (бузиб ўрнига қуриш)га чекловлар ўрнатилган бўлиб, бу ўз навбатида инвесторлар томонидан бизнес режасига асосан ўзининг лойиҳаларни амалга ошириш муддати кечикишига олиб келади.

**Мунозара.** Хусусий сектор муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокидаги корхоналарнинг фаолият юритиши ҳамда давлат активларини хусусийлаштириш жараёнлари янада соддалаштирилмаганлиги натижасида давлатнинг иштироки иқтисодиётда юқориликгича қолмоқда.

Тўғри, охириги йилларда давлат мулкани хусусийлаштириш ва самарали бошқариш бўйича қабул қилинган қарорлар асосида иқтисодиётнинг озиқ-овқат саноати, аграр соҳа ва унга хизмат кўрсатиш, енгил саноат, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби тармоқлардаги давлат иштирокидаги корхоналарнинг катта қисмини хусусий мулкка ўтказиш орқали давлат иштирокидаги корхоналар сонини қарийб 70 фоизга қисқартиришга эришилди.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2025 йил учун хусусийлаштириш дастури

тўғрисида"ги 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-70-сон Фармониغا 6-илова

Ҳар бир ишда ислоҳат талаб қилинган каби, хусусийлаштириш соҳасини ҳам доим ўтган йиллар давомида эришилган натижалар ҳамда камчиликлар, шунингдек хориж тажрибаси асосида ислоҳа қилиш, шаффоф ва ошқора тарзда хусусийлаштириш жараёнларини соддалаштириш лозим.

Шу ўринда, давлат мулки халқ мулки бўлиб, уни ҳақиқий мулкдорлар қўлига топшириш учун қатъи қонунчилик асосларини яратиш зарур бўлади.

Таъкидлаш жоизки, 2024 йилда давлат мулкни хусусийлаштириш соҳасида тўғридан-тўғри амал қилинадиган **“Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди (ЎРҚ-907, 14.02.2024 й.).

Шунингдек, Қонунга асосан Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳар йили 1 апрелга қадар Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида йиғма ҳисобот тайёрлаши белгиланди ва шунга асосан 2024 йил якунлари бўйича илк йиғма ҳисобот чоп этилди.

Давлат активларини хусусийлаштириш орқали иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш ва тадбиркорларга шароитлар яратиш, давлат мулкни самарали бошқариш ва ушбу вазифаларни бажариш, сафарбарлик руҳида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Хулоса.** Умуман олганда, инвесторларга давлат активларини хусусийлаштириш бўйича енгилликлар

берилиши келгусида хусусийлаштириш жараёнларининг жадаллаштирилишига хизмат қилади.

Ушбуларга мувофиқ, давлат активларини хусусийлаштириш ва ер участкаларнинг сотилишини жадаллаштириш мақсадади қуйидагилар таклиф этилади:

**1.** Давлат активлари ва ер участкаларини сотиб олишда аванс тўловини **15 фоиз миқдорида ўрнатиш ва аванс 15 календарь кунда амалга оширган тадбиркорларга қолган суммани фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш** имкониятини бериш;

**2.** Хусусийлаштириш жараёни бошланган давлат иштирокидаги корхонада унинг сотиш механизмидан келиб чиққан ҳолда **унинг соф фойдасини корхона ихтиёрида қолдириш;**

**3.** Давлат кўчмас мулк объектлари учун тўловнинг камида **50 фоизини тўлаган харидорларга уларни реконструкция қилиш (бузиб янгисини қуриш)** ҳуқуқини бериш.

Давлат активларини хусусийлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳатлар натижасида иқтисодиётда давлат иштирокининг қисқаришига ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий сектор улуши оширилишига, шунингдек, соғлом рақобат муҳити яратилишига эришилади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” УЎК 323(575.1) КБК 66.3 (5Ўзб);
2. “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
3. “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сон Фармони;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида” 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-70-сон Фармони;
6. Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш стандартининг (рўйхат рақами 3487, 28.12.2023 йил);
7. Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида 2024 йил якунлари бўйича йиғма ҳисобот;
8. [www.davaktiv.uz](http://www.davaktiv.uz)
9. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
10. [www.imv.uz](http://www.imv.uz)